

# ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

## Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг илмий-назарий, амалий- услубий, маънавий-маърифий журналлари

Журнал бир йилда тўрт марта нашр этилади.

**Бош муҳаррир:**  
Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
Гўзал ХАЛИКУЛОВА

**Таҳрир ҳайъати:**  
Тешабой БАЯНДИЕВ  
Муҳаббат ТУЛЯХОДЖАЕВА

Ильдар МУХТАРОВ  
Сарвиноз ҚОДИРОВА  
Эдвард РТВЕЛАДЗЕ

Дилафруз ҚОДИРОВА  
Мансур БЕКМУРОДОВ

Абдуҳалил МАВРУЛОВ  
Шавкат ШАРИПОВ

Нилуфар ИСАКУЛОВА  
Зебо ҚОСИМОВА

**Жамоатчилик кенгаши:**

Азиз ҚАЮМОВ

Шокир ПИДАЕВ

Оқил ИБРОҲИМОВ

Замира ИШАНХОДЖАЕВА

Акбар ҲАКИМОВ

*Мақолада келтирилган фактларнинг  
тўғрилиги учун муаллиф масъулдир.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги  
томонидан 2015 йил 14 декабрда 0862-рақам  
билан рўйхатга олинган.

ISBN: 2181-8932



# ЖУРНАЛ САҲИФАЛАРИДА

## МУНДАРИЖА

### БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

Б. Сайфуллаев. Фан ва таълим уйғунлиги .....	3
--	---

### I. ТЕАТР ВА КИНО

1. А. Умаров. Комедия таржимасида кулги талқини .....	7
2. Т. Баяндиёв. Режиссура Каракалпакского театра .....	12
3. М. Туляходжаева. Вопросы драматургии в контексте времени .....	15
4. М. Юсупова. Роль устида ишлашнинг “умумлашма усуллари” шакллантириш .....	20
5. Д. Раҳматуллаева. Драматургия ва театр репертуари муаммолари .....	23
6. Г. Халикулова. Саҳнада тарихий муҳит яратиш масаласи .....	30
7. Д. Қодирова. Мумтоз асарлар талқинларида сценографик изланишлар .....	36
8. М. Умаров. Театр ва замонавий томошабин .....	41
9. О. Ризаев. Театр – “жонли” адабиёт .....	48
10. Б. Якубов. Санъат кишиларни тарбиялаши керак! .....	50
11. А. Матёқубов. Киносценарий муваффақияти омиллари .....	60

### II. МУСИҚА САҲЪАТИ

1. И. Матякубов. Хор ижрочилиги – қадимий ёхуд замонавий? .....	64
2. Ш. Тохтасимов. Ўзбек миллий рақси: муаммо ва ечимлар .....	68
3. С. Жумаев. Мусиқа ва томоша санъати .....	73
4. Г. Турсупова. Ўзбек эстрада мусиқасида миллий наволар талқини .....	76
5. Ш. Яхьяева. Кайковуснинг мусиқа санъатига оид қарашлари .....	81
6. Э. Яфасова. Концепции интеллектуальных моделей сохранения музыкального содержания: ретроспектива и актуальность .....	84
7. И. Горлина. О формировании танцевальной культуры на территории Узбекистана .....	89

### III. САҲЪАТ ТАРИХИ, ФАЛСАФАСИ ВА НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС

1. А. Маврулов. Санъат, маданият, тарих: уйғунлик, муштараклик .....	93
2. М. Бекмуродов. Аргументлаштириш механизми .....	100
3. Ў. Топматов. Таълим тизимида номоддий маданий мероснинг ўрганилиши .....	108
4. Н. Исакулова. Ўқувчиларда номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича касбий компетенцияни шакллантириш .....	113
5. А. Ҳайдаров. Маданият ва истироҳат боғларидаги аҳвол ҳақида баъзи мулоҳазалар .....	118
6. М. Аҳмаджонова. Театршунослик илми қалдирғочлари .....	123
7. Д. Пўлатов. Мустақиллик даври Ўзбекистон ҳайкалтарошлигида тарихий шахслар сиймоси .....	128

### IV. ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

1. А. Носирова, Ж. Маматқосимов. Замонавий санъат таълимида “саҳна нутқи” фанини ўқитишнинг инновацион-концептуал асослари .....	133
2. З. Аҳмедова. Актёрнинг психофизик фаолиятини тадқиқ этишда илмий ёндашувлар таҳлили .....	138
3. М. Абдужабборова. Глобаллашув жараёнида санъатнинг тарбиявий функцияси ва уни оптималлаштириш .....	143
4. З. Қосимова. Ижодкор талаба шахсига йўналтирилган инновацион технологияларни қўллашнинг дидактик имкониятлари .....	148
5. С. Тўйчиева. Мафқуравий жараёнларнинг ёшлар руҳиятига таъсири .....	152
6. О. Давлатов. Шахс камолотида ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрни .....	156

# ФАН ВА ТАЪЛИМ УЙҒУНЛИГИ



*Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,  
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият  
институтининг ректори, профессор*

**Янги ташкил этилган институтнинг деярли 4 йиллик кичик тарихига назар ташлаш фойдадан холи бўлмайди.**

2012 йилнинг 4 июнь куни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг "Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида" қабул қилган қарорига биноан:

— маданият, театр санъати, кино ва телевидение соҳасида замонавий талабларга жавоб берадиган, халқ ижодиёти анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қодир, бадиий ижоднинг замонавий методлари, инновацион техника ва технологияларни пухта эгаллаган юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш;

— маданий-маънавий бойликни асраб-авайлаш ва кўпайтириш, халқимизнинг бой маданий-тарихий мероси ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган миллий театр мактаби ва бадиий ижод маҳоратини ривожлантириш;

— ўқитишнинг замонавий шакл ва методлари, илғор педагогика, инновация ва ахборот-коммуникация технологиялари, электрон ахборот ресурслари, жумладан, интернетдан кенг фойдаланган ҳолда, таълим жараёнининг

юқори даражада олиб борилишини таъминлаш;

— ёшларни ватанпарварлик ва миллий ғояга садоқат руҳида, маънавий юксак ва ҳар томонлама баркамол ривожланган, кенг дунёқарашга эга бўлган ва мустақил фикрлайдиган шахслар этиб тарбиялаш;

— маданият ва санъат соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш каби йўналишлар Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг энг муҳим вазифалари этиб белгилаб берилган эди.

Ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда ўтган қисқа давр ичида бир қатор ишлар амалга оширилди ва ўзига хос ютуқларга ҳам эришилди. Институт ўз мавқеини тобора мустаҳкамлаб, фаолиятини кундан-кунга такомиллаштириб бормоқда. Бугун ана шу ютуқларни эътироф этиб ўтиш ўринли. Зеро, бу ютуқлар фидойи устоз ва мураббийларнинг бе-миннат меҳнатлари самарасидир.

Бугунги кунда институтнинг 3 та факультети негизидаги 18 та кафедрада 15 нафар фан доктори ва профессор, 51 нафар фан номзоди ва доцент, 100 нафардан зиёд ўқитувчилар фаолият олиб боришмоқда. Айни кунларда институтда 1325 нафар талабалари бакалавриятнинг 23 та таълим йўналишлари ва магистратуранинг 14 та мутахассисликла-

ри бўйича таълим олмақда. Бу борада давлат таълим дастури йўналишлари мукамал ба-жарилишидан ташқари илғор хорижий олий таълим муассасалари тажрибаларидан ҳам фойдаланилмоқда. Шунингдек, санъат ва маданият соҳаларининг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олган ҳолда таълим беришнинг индивидуал шахс — санъат ва маданият ки-шисини тайёрлашга мўлжалланган техноло-гия ва дастурларини ишлаб чиқишга эъти-бор қаратилмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, асосий ва-зифамиз юксак малакали, етук, рақобатбар-дош мутахассисларни тайёрлаш экан, биз бу йўлда олиб борилаётган ишларни тизим-ли равишда йўлга қўйишга интилмоқдамиз. Ўзининг иқтидори, салоҳияти, билими би-лан алоҳида ажралиб турадиган талабала-римиз институт ва бошқа олийгоҳларнинг илмий-назарий ва амалий анжуманларида ўз маърузалари билан иштирок этиб келмоқда. Бундай анжуманларнинг ўтказилиши инсти-тутлараро тажриба алмашиш, бир-бирининг ютуқлари билан танишиш, эришган муваф-фақиятлари ва камчилик-ларини идрок этган ҳолда керакли хулосаларга ке-лишда мактаб вазифасини ўташи шубҳасиздир. Тала-баларнинг фан олимпиа-даларида иштирок этиши ҳам таълим жараёнида ўзининг ижобий са-марасини бериб келмоқда. Институтнинг ижодий хусусиятига таянган ҳолда талаба-ларга дарсдан бўш вақтларида кино ва теле-видение экранларида, радио тўлқинларида, театр сахналарида ўзларини синаб кўриш-лари учун имкониятлар яратилган. Бунинг икки ижобий жиҳати бор. Биринчидан, ёш иқтидорларимизнинг катта қисми талабалик йиллариданоқ Ўзбекистон санъати ва мада-ниятига ўзининг баҳоли қудрат ҳиссасини қўшмоқда, иккинчидан, биз таълимнинг бе-восита амалиёт билан узвийлигига эришмоқ-дамиз. Шунингдек, санъат кўриклари, рес-публика миқёсида ўтказилиб келинаётган "Наврўз" умумхалқ байрами ҳамда Мустақил-лик байрами тадбирларида иштирок этиб, халққа ўзининг илк қадами билан танила-ётганини, фарзандларимизнинг бундай ютуқларга эришишида устозларнинг фидо-

йилиги, заҳматли меҳнати ётганини ало-ҳида эътироф этишни истардим.

2017 йил муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан "Инсон манфаатлари ва халқ билан мулоқот йили" деб эълон қилинди. Бу, албатта, таълим, илм-фан соҳаларини ҳам мақсадли амалга ошириш кераклигини кўрсатади. Инсон манфаатларига алоҳида урғу берилиши биз санъат ва маданият вакиллари зиммасига катта масъулият юклайди. Шу даврга қадар юксак салоҳиятли кадрлар тайёрлашга катта эътибор қаратаётган бўлсак-да, жорий йилда бу борадаги ишларимизни янада жадал амалга оширишимиз даркор. Бунинг учун эса, ушбу жараёнда иштирок этувчи ҳар бир бўғин вакиллари — профессор-ўқитувчилар, талабалар, ота-оналар фикрларини ўрганиш, улар билан яқиндан мулоқот олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар олдимизга янги режалар тузиш, янгича ишлаш вази-фасини қўяди.

Янгиликка интилиш, замон талабларига мувофиқ изланишлар, иш юритиш ўз мева-

*...асосий вазифамиз юксак мала-кали, етук, рақобатбардош мута-хассисларни тайёрлаш экан, биз бу йўлда олиб борилаётган ишларни тизимли равишда йўлга қўйишдир.*

сини бера бошлади. Шу ўринда яқин ва узоқ хо-риж мамлакатларининг нуфузли илмий журнал-ларида институт профес-сор-ўқитувчиларининг илмий мақолалари нашр этилаётганлигини ҳам эътироф этишни ис-тар эдим. Келажакда санъат ва маданият со-ҳаларини ҳозиргидан-да чуқур илмий тадқиқ этувчи олимлар, фан докторларини етишти-риб чиқариш ҳам асосий бурчимиз эканини ҳар қадамда англамоғимиз керак, ҳозирда инс-титутнинг 10 дан ортиқ катта илмий-ходим изланувчилари ва мустақил тадқиқотчилари долзарб докторлик мавзулари устида иш олиб бормоқда. Институт профессор-ўқитувчилари-институт, республика миқёсида ўтказилаёт-ган конференциялар, илмий семинарларда фаол иштирок этиб келмоқда. Улар томони-дан олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, республика ва хорижий журнал ва тўпламлар-да эълон қилинаётган мақолалари, тақриз ва тезислари, ижодий портретлари кенг жа-моатчилик эътиборини тортиб келмоқда.

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистонимиз учун илмий тараққиёт алоҳида аҳамиятга

эга. Нега деганда, илмий салоҳиятнинг ортгиши натижасидагина жамиятимиз бошқа ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олади. Шунингдек, илм-фан қанчалик камолотга эришса, мамлакатимизнинг қудрати шунчалик мустаҳкам бўлади.

Ҳозирги глобаллашув даври, яъни ХХІ аср илмий тадқиқотлар зиммасига янада изчил ва янги вазифаларни юкламоқда. Албатта, илм-фан, илмий тадқиқотларнинг ривожланиши, келажакда янада раванқ топиши учун кўпгина омиллар зарур. Лекин биринчи навбатда илмий ходимлар, яъни оддий услубчи, ассистент ва профессор-ўқитувчилардан тортиб, институт раҳбарларигача масъулиятни ҳис қиладиган малакали кадрлар кераклиги айтилган ҳақиқат. Ҳозирги кунда илмий-тадқиқот ишларига ёшларни жалб этиш долзарб вазифалардан биридир. Чунки, айнан ана шундай тадқиқотчиларга катта эҳтиёж сезилмоқда. Илм-фан ўзига хос меҳнат жабҳасидир. Бу жабҳада илмий тадқиқот билан жиддий шуғулланаётган ҳар бир изланувчига етук олимлар илмий раҳбар, илмий маслаҳатчи сифатида докторлик диссертациялари устида иш олиб боришлари учун бириктирилади. Институтимизнинг етакчи олимлари ўз фаолияти давомида катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил тадқиқотчиларга устозлик қилиб келмоқдалар. Таъкидлаш жоизки, ёши улуг олимларимиз, айниқса, фан докторларимиз анча ёшга бориб қолишган. Ўртада бўшлиқ пайдо бўлиб, ҳозирги кунда бу бўшлиқни тўлдириш энг оғриқли нуқталаримиздан биридир. Яна шунга эътибор қаратиш лозимки, соҳалардаги ривожланиш олиб борилаётган илмий ишларининг характери, қамрови катта-катта илмий мутахассислар жамоасини талаб этади.

Ёшларни илмий тадқиқот ишларига кўпроқ жалб этган билан фақат кадрлар етишмовчилигига барҳам бериш мумкин. Лекин масаланинг бошқа томони — малакали кадрлар тайёрлашга оид жиҳатларни ҳал этиш осон иш эмас. Илм-фан тарихи, йирик олимлар таржимаи ҳоллари шуни кўрсатадики, ёшлик йиллари тадқиқотчи ҳаётида сермахсуллиги билан ажралиб туради, кўпинча ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади, кейинги ишлар йўналишини, ўзагини белгилаб беради. Бу фикрларимизни исботлаш учун Ньютон, Эйнштейн, Лобачевскийларнинг илмий тадқиқот-

лари, кашфиётлари 23-25 ёшлар оралиғида яралганини эслаш kifоя. Шарқ табобати, тўғрироғи дунё табобатининг асосчиси Ибн Синонинг таъкидлашича, инсон ўзининг эгаллаган барча билимларини 17 ёшигача олиб, кашфиётларини 20-30 ёшлар оралиғида яратган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ёшлар илмий изланишларининг сирли қудрати-ю фаоллигига сабаб нима? Шубҳасизки, у анъаналарга, илмий меросларга янгича назар билан, қолипларга сиғмаган ҳолда янгича нигоҳ билан назар ташлайди. Ёш истеъдод соҳиби кўп ҳолларда илмга олиб кирадиган туб бурилиш, керак бўлса илмий инқилоб, янгича нуқтаи назар нузли чўққиларга элтувчи кутилмаган йўللارни очиб беради. Ёшларнинг устунлиги ҳам, ўзига хос хусусиятлари ҳам ана шунда, шунинг учун биз илмий изланишлар жабҳасига иложи борица кўпроқ ёшларни тортиш тарафдоримиз.

Ёш тадқиқотчилар дафъатан бир-бирига муғлақо зид туюладиган икки хусусиятга эга бўлиши керак. Юқорида таъкидлаганимиздек, биз ёш олимдан янгилик, янгича нуқтаи назар, ўзига хослик, шижоат, новаторлик кутамиз. Буларсиз илм-фанда ҳақиқий, жадал юксалиш бўлиши мумкин эмас. Айтилган замонда анъаналарга, устозларнинг ишларига, баъзан минг йиллик меросларга юзаки қараш ниҳоятда хавфлидир. Илмий мерос бебаҳо хазина. У инсоният ақл-заковати туфайли, курашлар, мунозаралар натижасида, олимларнинг ҳаёти эвазига бунёд бўлган, сайқал топган, қадим замонларда, айниқса, антик ва грек, айтилган пайтда бизнинг заманимизда яшаган аجدларимизнинг илм-фани гуллаб-яшнаган пайтларда баъзи бир улуг зотларнинг улуг кашфиётлари садо бермади, кўпчиликка номаълум бўлиб қолаверди. Ўз санъатимизнинг бир неча минг йиллик тарихи, ютуқлари айнан китобларга, турли нашрларга муҳрланмагани, ўз вақтида чоп этилмагани ва ўз вақтида эътироф этилмагани ҳам жуда кўп мақтанишга арзигулик илм-фан ютуқларининг изсиз йўқолиб кетишига сабаб бўлди. XV-XVI асрларда илм-фаннинг барқ уриб яшнашига кўп жиҳатдан китоб, кейинчалик газета ва журналларнинг ҳам чоп этилиши ва бундай нашрларда ютуқларнинг акс эттирилишининг йўлга қўйилиши тўртки бўлди. Бундай нашр-

лар турли мамлакатларда, замонларда яшаган афкор оммани инсоният яратган маънавий бойликлардан баҳраманд қилди. Ёзма равишда баён қилинган, чоп этилган илмий тафаккур аста-секин текширилиб, танқид қилинди ва шу йўсинда ҳақиқий хазина хатоликлардан ажратиб олинди. Қолаверса, бутун дунё олимлари китоб ва журналлар орқали бир-бирлари билан илмий мулоқот қилиб турганликлари учун ҳам фан кўпинча умуминсоний аҳамият касб этмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, етук олимларимизнинг маънавий кўмаги устозлиги остида ёшларимизнинг илмий салоҳиятини ўстириш, назар (апробация)дан ўтказиш, бу ишларни домий равишда амалга ошириш учун ҳам мақсадли равишдаги ишларни амалга ошириш эҳтиёжи мавжуд.

Айнан шу мақсадда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти жамоаси хайрли ишга қўл урди. Яъни, ўзининг илмий-ижодий салоҳиятига таянган ва замонавий жара-

нинг мавқеи мазкур нашрларда чоп этилган мақолаларнинг сони ва сифати билан белгиланади.

Илк қадамлар, янги одимлар доимо ҳадикли ва мураккаб бўлади. Бу ишга жазм этганимиз эса, аввало бундай дадил қадамни ташлашга бўлган ишончимиздир. Бунга институтнинг республикада ўз ўрнига эга профессор-ўқитувчилари ҳамда иқтидорли талабаларимиздан иборат жамоанинг саъйи-ҳаракатлари сабаб бўлганини эътироф этиш ўринли.

"ЎзДСМИ хабарлари" журнали театр, кино, мусиқа, рақс, тасвирий ва амалий санъат, кўшиқчилик, режиссура, актёрлик маҳорати, драматургия, кино ва сахна безаги, грим, халқ ижодиёти масалалари, санъаткорлар хотирасига бағишланган мақолалар, санъат ва маданият соҳасининг тарихи, назарияси, замонавий жараёнларига доир долзарб муаммоларни, шунингдек, ЎзДСМИ ҳаётига оид янгиликлар, ахборот-рекламаларни кенг ёритиб боради.

*Лекин, биринчи навбатда, илмий ходимлар, яъни оддий услубчи, ассистент ва профессор-ўқитувчилардан тортиб, институт раҳбарларигача масъулиятни ҳис қиладиган малакали кадрлар кераклиги айни ҳақиқат. Ҳозирги кунда илмий-тадқиқот ишларига ёшларни жалб этиши долзарб вазифалардан биридир. Чунки, айнан ана шундай тадқиқотчиларга катта эҳтиёж сезилмоқда.*

ёнларни ҳис этган ҳолда янги, ўз бағрида юз бераётган янгиликлар, эришилаётган ютуқлар, ўз фаолиятига танқидий кўз билан нигоҳ ташлаган ҳолда камчиликларини ҳам рўй-рост ёритишдан чўчимай, республика маданияти ва санъати оламида рўй бераётган ўзига хос жараёнларни мутахассис нигоҳи ила ёритиш мақсадида "ЎзДСМИ хабарлари" журналини таъсис этди. Маълумки, ривожланган дунёда ҳар қандай олий ўқув юртининг салоҳияти унинг бевосита илмий изланишлар, амалий ва фундаментал тадқиқотлар билан шуғулланишида ифодаланади. Жаҳоннинг етакчи институтлари, олий даргоҳлари, академиялари ўзининг илмий нашрларига эга. Одатда, бундай газета ва журналларда олий ўқув юртининг ҳаёти, илмий ва ижодий ютуқлари акс этади. Яна бир жиҳати шуки, улар орқали олимлар, профессор-ўқитувчилар, талабалар-

"ЎзДСМИ хабарлари" журналида санъатшунослик ва маданиятшунослик соҳаси тармоқларининг долзарб масалалари, ушбу соҳада мутахассис тайёрлаш жараёнининг илғор педагогик технологиялари, олиб борилаётган илмий-тадқиқотларнинг натижалари юзасидан илмий хулосалар ёритилиб бори-

лади. Журналнинг санъат (театр, кино, мусиқа, хореография); санъатшунослик (тарих, назария, танқид); педагогика; тарих, фалсафа ва номоддий-маданий мерос каби бир қатор рўнлари мавжуд. Ёритилаётган материалларнинг қизиқарли, кенг қамровли, аиниқса, илмий жиҳатдан чуқур ва асосланган, мавзуларнинг ранг-баранг бўлишига жиддий эътибор қаратиш ниятидамиз. Агар таклиф ва мулоҳазаларингиз билан иштирок этсангиз, журналнинг савияси ошишида ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.

Мен, Бош муҳаррир сифатида "ЎзДСМИ хабарлари" журналини Республикамиз санъати ва маданиятининг гуллаб яшнашига ўз ҳиссасини қўшишига ишонаман ва бу борада соҳадаги барча олимларимизнинг фаол қамраб олишда муваффақиятлар тилайман.